

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ МД – 5A220101 – 2.02

2016 йил “9” 01



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил “22” 01

ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИДА СПОРТ ШАРҲИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	220 000 – Журналистика ва ахборот
Мутахассислик:	5A220101 – Журналистика (спорт журналистика)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Умиров С. – ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси доценти, ф.ф.н.

Такризчилар:

Нишонова Г. – ЎзМУ журналистика факультети оммавий алоқалар ва реклама кафедраси доцент в.б., ф.ф.н

Тошхўжаев З. – ЎзМТРК “Sport” телерадиоканали директорининг биринчи ўринбосари

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Ушбу дастур магистратуранинг спорт йўналишидаги талабаларни замонавий Ўзбекистонда спорт журналистикасининг ижтимоий роли, спорт йўналишидаги ОАВнинг фаолияти ва уларда спорт ва жисмоний тарбиянинг ёритилиши, спорт журналистининг оммавий ахборот воситаларидаги фаолияти турлари каби масалаларни қамраб олади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад - спорт йўналишида тахсил олаётган магистр – талабаларда ҳозирги замон спорт журналистикаси билан таништириш, спорт журналисти фаолияти йўналишларини аниқлаш борасида касбий малака ва кўникмаларни ҳосил қилишдир.

Фаннинг вазифалари – спорт журналистикаси асослари ва унинг замонавий жамиятдаги ўрни ҳақидаги билимларни тизимлаштириш;

- спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва уларда асосий спорт воқеаларини ва жисмоний тарбия борасида олиб борилаётган ишларни ёритиш усулларини ўрганиш;

- спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларида материал тайёрлаш учун ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш борасидаги амалий кўникмаларга эга бўлиш;

- спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматларидаги фаолиятини ўрганишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Жаҳон журналистикасида спорт шарҳи” фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистрант:

- спорт журналистикаси тушунчаси, спорт журналистикаси асослари ва унинг замонавий жамиятдаги ўрни ҳақидаги билимларини тизимлаштиришни, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш борасида **тасаввурга эга бўлиши;**

- спорт воқеаларини ва жисмоний тарбия борасида олиб борилаётган ишларни ёритиш усулларини, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларида материал тайёрлаш учун ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлашни, спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматларидаги фаолиятини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- спорт журналистикаси тушунчасини аниқлаш, спорт журналистикаси асослари ва унинг замонавий жамиятдаги ўрни ҳақидаги билимларини қўллаш, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва уларда асосий спорт воқеаларини, жисмоний тарбия борасида олиб

борилаётган ишларни ёритиш усуллари кўллай билиш, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларида материал тайёрлаш учун ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш, спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматларида фаолият юритиш *кўникмаларига эга бўлиши;*

- спорт журналистикаси асослари ва унинг замонавий жамиятдаги ўрни ҳақидаги билимларини тизимлаштириш, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва уларда асосий спорт воқеаларини ҳамда жисмоний тарбия борасида олиб борилаётган ишларни ёритиш, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларида материал тайёрлаш учун ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш, спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматларидаги фаолиятини амалга ошириш *малакаларига эга бўлиши керак.*

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Жаҳон журналистикасида спорт шарҳи” фани мутахассисликнинг асосий фани ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасида режалаштирилган умумметодологик (илмий ижодиёт методологияси, ахборот тизимлари), мутахассислик (публицист маҳорати, вақтли матбуотнинг замонавий дизайни, матбуот Интернет тизимида) ва танлов (жаҳон матбуоти тараққиёти тамойиллари) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади. Бу фанни ўзлаштириш учун ахборот хавфсизлиги, психология, сиёсатшунослик, жаҳон журналистикаси асослари, халқаро журналистиканинг ҳуқуқий асослари ва этикаси фанларидан етарли билим, кўникма ва малакага эга бўлиш талаб этилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Жаҳон журналистикасида спорт шарҳи” фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ эмас. Спорт журналистикаси тушунчасини аниқлаш, спорт журналистикаси асослари ва унинг замонавий жамиятдаги ўрни ҳақидаги билимларини кўллаш, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва уларда асосий спорт воқеаларини, жисмоний тарбия борасида олиб борилаётган ишларни шарҳлаш, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларида материал тайёрлаш учун ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш, спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматларида фаолият юритишни билиш ва амалиётда кўллай билиш билан боғлиқ. Шу боис журналистикада спорт журналистикаси тушунчасини, спорт журналистикаси асослари ва унинг замонавий жамиятдаги ўрнини, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва уларда

асосий спорт воқеаларини, жисмоний тарбия борасида олиб борилаётган ишларни ёритиш усулларини, спорт йўналишидаги оммавий ахборот воситаларида материал тайёрлаш учун ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тайёрлаш, спорт журналистларининг босма ва электрон ОАВда ҳамда спорт ташкилотлари ва муассасаларининг матбуот ва ахборот хизматларида фаолият юритишни билиш талаб этилади. Шунинг учун ушбу фан асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, ишлаб чиқариш тизимининг ажралмас бўғинидир.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Магистрлар “Жаҳон журналистикасида спорт шарҳи” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги ахборот – педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон ва видео материаллар, виртуал моделлар, кўргазмалар куроллардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

Жамият ва спорт

Жамият тараққиётида спортнинг муҳим роли ва ўрни. Инсонлар ҳаётида жисмоний тарбия ва спортнинг муҳим аҳамиятга эгаллиги. Инсонлар ҳаёти, фаолиятида спортнинг муҳим аҳамиятга эгаллиги. Спорт авваллари жисмоний тарбиянинг таркибий қисми бўлганлиги, кейинги йилларда спорт атамаси кенг қамров касб этиб жисмоний тарбияни ҳам ўз ичига олгани. Спорт атамаси тарихидан (французча, испанча “дэспорт” эркин таржима қилинганда ишдан кейинги ҳордиқ, кўнгил очиш, эрмак маъноларини бериши, кейинчалик инглизлар, немисларда “спорт” шаклини олиши).

Олимпиа ҳаракати асосчиси француз Пьер де Кубертен қаламига мансуб “О, сен спорт!” қасидасида унинг хузурбахшлиги, ўлмаслиги, яратувчи-меъморлиги, етуклик, комиллик гарови эканлиги; адолатли ва холислиги; ҳалол курашиш ва беллашишга чорлаши; олижаноблиги, хуш-хурсандлик, байрам, тантана бахш этиши; сиҳат-саломатлик, тетиклик бахш этиши; тезкорлик, баландлик, кучлилиқка интилиш, етуклик, камолот манбаи, инсонлар ўртасида яқинлик, дўст-биродарлик, қардошлиқ муносабатлари ўрнатиши ва бошқа сифатлар санаб ўтилгани. Спорт инсоннинг табиат, жамият, бошқа одамлар ва ўзи билан муносабатларини акс эттирувчи ўзига хос модел эканлиги. Кураш, беллашув, мусобақавийлик спортнинг асосини ташкил этиши. Спортда жамоавийлик ва индивидуаллик. Кучли одам энг

аввал ўзини енга олган, иродали одам ҳикматли иборасининг маъно-моҳияти. Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида спортга катта эътибор берилётгани, спорт кучи, нуфузи, мавқеининг кўзгуси бўлаётгани. Ёзги ва қишки олимпиадалар, жаҳон, қитъачемпионатлари, ҳудудлар, мамлакатлар, вилоятлар ўртасида спортнинг турли турлари бўйича мунтазам ўтказилиб туаиладиган мусобақалар, спартакиада, универсиадалар, янгидан пайдо бўлаётган спорт турлари.

Спорт ва спорт журналистикаси

Спорт журналистикаси кенг қамровли журналистиканинг “Сиёсий журналистика”, “Ҳарбий журналистика”, “Аудиовизуал журналистика” сингари тармоқларидан бири эканлиги. Мутахассислар таърифича, спорт журналистикаси – оммавий коммуникация каналлари (матбуот, радио, телевидение, фотография, ҳужжатли кино, интернет, ахборот агентликлари, китоб ва ҳ.к.) орқали спортга оид муҳим, долзарбахборотлар, янгиликлар йиғиш, ишлов бериш, тарқатишга мўлжалланган ижтимоий фаолият тури бўлиб, унинг асосий предмети спорт ва унга бевосита, билвосита боғлиқ, дахлдор факт ва воқеалардир. Спорт журналистикаси – спортнинг ҳосиласи, ўзига хос кўзгусидир. Мамлакат, ҳудуд, қитъаларда спортнинг қай даражада ривожланган ёки ривожланмаганини спорт журналистикаси орқали ҳам билса бўлади. Спорт журналистикаси ва спорт публицистикаси, уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатлари: журналистика миқёси, қамрови кенглиги, горизонтал, ёйиқ ўлчов, сон билан, публицистика вертикал, тик ўлчов, сифат билан ўлчаниши, ҳар қандай публицистик асар, шубҳасиз, журналистик асар саналиши, лекин ҳар қандай журналистик асар публицистика бўла, унинг даражасига кўтарила олмаслиги, публицистика журналистиканинг сара гулдастаси эканлиги. Спорт ривожлангани сари спорт журналистикаси ҳам таракқий этаётгани, турлари, жанрлари кўпаяётгани. Спортга оид нашрлар, каналлар, дастурлар.

Спорт ўйинлари тарғиботи, ташвиқоти, спорт журналистикаси тарихига назар

Спорт қанча қадимий бўлса унинг тарғиботи, ташвиқоти ҳам шунча қадимийдир. Спорт журналистикаси ибораси ҳар икки атама, асосан, XIX асрлардан, немис Гутенбергнинг босма станогини кашф этилганидан маълум муддат ўтиб, газета, журналлар нашр этила бошлагач, истеъмолга кира бошлаган. Авваллари спорт ўйинларини тарғиб, ташвиқ этишнинг бир қанча йўллари, шакллари бўлган. Ҳукмдорлар саройларида, халқ сайиллари, турли йиғинларда ўтказиладиган турфа ўйин, мусобақаларни воизлар, жарчилар олдиндан бозорларда, тўйғомошаларда олдиндан эълон қилишган, бошқа юртлардаги катта кураш, улоқ, найзабозлик ва шу каби мусобақаларни махсус чопарлар, савдо карвонлари, ўргатилган каптарлар етказишган.

Шарқда кураш, ёй отиш, найзабозлик, чавандозлик, човган, шатранж ва бошқа турларнинг кенг ривож топганлиги, буларнинг халқ оғзаки ижоди – эртак, достонларда, археологик қазилмаларда, қоятошларда акс этгани маълум. Ёзма адабиётда, Фирдавсий “Шохнома”сида, Навоий, Бобур асарларида кураш, чавандозлик, қиличбозлик, тоғ қазииш, сув чиқариш лавҳалари тасвирланганки, булар бевосита жисмоний ва рухий кучга, бугунги атама билан айтганда, спортга бевосита алоқадордир. Гомернинг “Илиада”, “Одиссея” асарларида юнонлар от ўйини, бокс, югуриш, камон отишда баҳс бойлашгани тасвирланган. Қадимий Грецияда эрамизгача бўлган 776 йилда илк бор Олимпиада мусобақалари ўтказилганлиги, бора-бора бу мусобақалар оммавий тус ола бошлагани, Италияда гладиаторлар жанги кенг овоза қилингани оғзаки ва ёзма манбалар орқали етиб келгани. Англияда футбол, Голландияда коньки учиш, Америкада бейсбол, Россияда хоккей, Ўрта Осиёда халқ ўйинлари кенг ривожлангани. Англия, Франция, Германия спортнинг, спорт журналистикасининг бошқаларга қараганда кенг ривожланиши. 1896 йил Францияда илк бор Олимпия ўйинлари ўтказилганлиги ва ҳар тўрт йилда ёзги ва қишки олимпиадалар ўтказиш йўлга қўйилганлиги ва олдиндан кенг тарғиб, ташвиқ қилиниши. Спортга бағишланган газета, журналлар, китоб, альбомлар нашр этила бошлагани, радиоэшиттириш, телекўрсатувлар, канал, дастурлар сони кўпайгани. Спорт фотосуратларда, хужжатли фильмларда акс этаётгани, китоблар, рангтасвирлар, ҳайкаллар мавзусига айлангани. Интернет –спортга оид маълумотларга бой канал, унинг фойдали ва фойдасиз томонлари. Спорт журналистикасида сиёсат, этика масалалари.

Ўзбекистонда спорт журналистикаси: кеча, бугун, эртага

Ўзбек диёрида қадимдан турли ўйинлар, пойгалар, мусобақалар мавжудлиги фольклор асарлари эртак, достон, термалар, илмий ва бадий асарлар (масалан, Берунийнинг “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар”и, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий”, “Саббайи сайёр”и, Бобурнинг “Бобурнома”си), меъморий обидаларда, қоятошларга ўйиб ишланган нақшларда ўз ифодасини топган. Юртимизда, айниқса, кураш, пойга, чавандозлик, қиличбозлик, ёй отиш, найзабозлик, човган, шатранж, югуриш (Ҳасан чопсан ҳақида ривоятни эслаш жоиз) кенг тараққий этган ва булар ҳақида бизгача, афсуски, кам маълумот етиб келган. Мустабид тузум замонларида юртимизга периферия, хомашё ўлкаси деб нописанд муносабатда бўлингани боис, спортга эътибор ҳам ҳамин қадар бўлган. Биргана спорт газетаси –“Физкультурник Ўзбекистана” рустилида нашр этилиб, ўзбек тилига таржима қилинган. Махсус журнал, нашриёт бўлмаган. Москвада “Физкультура и спорт” нашриётида чоп этилган китоблар, “Советский спорт”, “Футбол-хоккей”, “Спортивнке игрк” каби газета, журналлар ўқиб турилган. 1927 йилдан иш бошлаган радиомиз, 1956 йилдан ишга тушган телевидениемиз онда-сонда эшиттириш, кўрсатувлар бера

бошлаган, газета, журналларда жисмоний тарбия, таниқли спортчилар ҳақида вақти-вақти билан ҳисобот, мақола, репортажлар босилиб турган, халқ оммаси спортга кенг жалб этилмаган – спорт журналистикасининг хизмати, савияси ҳам шу даражада бўлган. Гарчи биздан Руфат Рисқиев дек жаҳон чемпионлари, А.Имомхўжаев, Р.Турпишев, С.Остонов, Э.Аванесов сингари шарҳловчилар, моҳир журналистлар етишиб чиққан бўлса ҳам. Фақат мустақиллик йилларида юртимизда спорт гуркира б ривожланиш палласига кирди, Спортни тараққий эттириш учун кўплаб қарорлар, қонунлар қабул қилинди, шахмат, кураш, футбол, теннис, бокс, дзюдо, бадий гимнастика бйича чемпионлар, гроссмейтерлар юртимизни жаҳонга танитди, бунда спорт журналистикамининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Биргина футбол бўйича бир қанча махсус нашрлар бор, ТВмизда “Спорт” канали ишлаб туриди, шарҳловчилар плеядаси пайдо бўлди, бир қатор китоб, тўпламлар нашр этилди ва ҳ.к. шу билан бирга шахмат, бокс, теннис каби кенг тараққий этаётган спорт турлари бўйича махсус журналлар нашр этилса, махсус нашриёт очилса айни мудда бўлар, спорт журналистикамиз янада тараққий этарди.

Спортнинг халқаро миқёсда тан олинган ва кенг шарҳланадиган турлари

Спортнинг халқаро миқёсда тан олинган турлари шартли равишда 5 га бўлиниши.

1. Асосини фаол (актив) жисмоний ҳаракат талаб этадиган турлари (енгил ва оғир атлетика, сузиш, эшкак эшиш, конкида, чангида югуриш, спорт якка курашлари: бокс, кураш, қиличбозлик, спорт ўйинлари: футбол, хоккей, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, регби, бейсбол, теннис ва ҳ.к.
2. Асосини ҳаракат воситаларини бошқариш маҳорати талаб этиладиган турлар (велоспорт, мотоспорт, автомобил, самолет, яхта ва ҳ.к.ларни бошқариш.
3. Нишонга уришга мўлжалланган махсус қуроллардан фойдаланиш (масалан, учиб борётган ликобчани уриб тушириш, девордаги нишонни мўлжалга олиш, ёй отиш ва ҳ.к.).
4. Моделлар яшаш, ясалган моделлардан моҳирона фойдаланиш, натижаларини ҳисобга олиш (авиа,-авто,- кема моделлари ва ҳ.к.).
5. Асосини рақибларнинг абстракт, композицион тафаккури ташкил этадиган спорт яккакураши ташкил этадиган турлари (шахмат, шашка).

Спорт квалификацияси

Спорт квалификацияси тушунчаси. Расмий мусобақаларда қўлга киритилган натижаларга қараб унвон ва разрядлар (1, 2, 3 разрядлар) бериш.

Спорт усталигига номзод, спорт устаси, хизмат кўрсатган спорт устаси, халқаро тоифадаги сплот устаси; ҳакамларга республика тоифасидаги ҳакам, халқаро тоифадаги ҳакам, ФИФА рефериси; шахмат соҳасида энг кичик квалификация – 3 – разряд, энг катталари - гроссмейстер, халқаро гроссмейстер; тренерларга энг нуфузли унвон – хизмат кўрсатган тренер, ёзги ва қишки олимпиада ғолиблари –олимпия чемпионлари 9бу умрбод сақланиб қоладиган унвон); республика, қитъа, жаҳон чемпионлари; узунликка, узоқликка, баландликка сакраб юқори натижани қўлга киритганлар, вазнига қараб энг оғир штанга кўтарганлар мамлакат, қитъа, жаҳон рекрдчилари саналиши, рекрдлар узоқ қиллар сақланиб туриши, бир ой, ҳатто бир кунда ҳам янгилиниши мумкинлиги. Шахсий рекордлар.

Спорт журналистикасида шарҳ

Жанр шакл ва мазмун жиҳатидан ўзига хос белгилар бирлигига эга бўлган, ходисанинг энг барқарор хусусиятларини ўзида мужассам этган асар, унга элтадиган, ифода этадиган йўл, усул. Адабиёт, санъат, журналистика, бошқа соҳаларнинг жанрлари, муштарак, турғун жиҳатларидан ташқари, ўзига хос хусусиятларга эгалиги. Шарҳ – спорт журналистикасининг энг асосий жанри.

Шарҳга, спорт шарҳловчисига қўйиладиган талаблар

Шарҳ ва шориҳ – бамисоли қўш мағиз, бирига мустаҳкам боғлиқ. Бирор муҳим воқеа ёки мусобақани шарҳлаш қанчалик шарафли, ҳавас қиларли бўлса, шунча масъулиятли эканлиги. Шарҳнинг, айтайлик, радио, телешарҳнинг мазмундор, мароқли, таъсирчан чиқиши асосан шарҳловчига, унинг маҳоратига боғлиқлиги. Рисоладаги шарҳловчи қуйидаги талабларга жавоб бермоғи кераклиги:

- Шарҳловчи билими, савияси кенг, кўп ўқиган, уққан, қобилиятли киши бўлмоғи;
- Бирор мусобақа, кураш, чемпионатни шарҳлаш топширилса, олдиндан пухта тайёргарлик кўрмоғи, соҳага оид китоб, луғатларни титкиламоғи, керакли сана, рақам, исм-фамилияларни эсида сақламоғи, маълумотларга эга бўлмоғи, интернетдаги янгиликлар билан танишмоғи, ундаги фикр-мулоҳазаларга соғлом, танқидий муносабатда бўлмоғи;
- Икки команда, икки спортчи (боксчи, полвон, қиличбоз ва ҳ.к.) беллашувида яхши кўрадиган, мухлислик қиладиган томонга ён босмаслиги, батамом холис нуқтаи назарда турмоғи;
- Асосий фикри-зикри ўйинда бўлмоғи, ортиқча сўзамоллик қилмаслиги, чалғимаслиги;

- Ҳакам, тренерлар, ўйинчилар хатти-ҳаракатига ўта кескин муносабат билдиришдан тийилмоғи, хато, можароларни назорат қиладиган, баҳо берадиганлар борлигини унутмаслиги;
- Майдонда, рингда, гиламда кутилмаган ҳолат юз берганда, ёхуд чирок ўчиб қолганда ўзини йўқотиб қўймаслиги, топқирлик қилиши, тингловчи, томошабинни зериктирмай туриш чорасини кўрмоғи;
- Адабий тилда, аниқ, равон, ширали тилда, ёқимли овозда гапирмоғи, шевачиликка берилмаслиги, кўп нарса билишини пеш қилмаслиги, ёлғон, тахминий гап айтмаслиги;
- Педагоглик, актёрлик, хатто шоирлик қобилиятига ва бошқа сифатларга эга бўлиши лозимлиги.

Матбуотда спорт шарҳи

Матбуот (газета, журнал, бюллетен, китоб) шарҳи қизиқарли ўйин, масъул мусобақалар жараёни, натижалари ҳақида ўқувчиларга таъсирли, мароқли ҳикоя қилиб беришдир. Матбуот шарҳининг камчилиги ўйин, кураш жараёнини эфир, экрандагидек шу оннинг ўзида, бевосита етказиб беролмаслиги бўлса, афзаллиги маълум муддат ўтгач, атрофлича ўйлаб, мулоҳаза қилиб, керакли сўз, жумлаларни топиб, бор маҳоратини ишга солиб мароқли ҳикоя қилиб беришидалиги, ўйинни бевосита стадионда, экранда кўрган томошабинни қўшимча маълумот, фикр, таассурот билан қуроллантиришидалиги. Масалан, ўз вақтида халқаро гроссмейстерлар С.Флор, А.Суэтинлар русча “Труд” газетаси, спорт устаси, тарихчи олим М.Мамажонов ўзбек газеталари саҳифаларида нуфузли шахмат мусобақаларида кечган жараёнлар, алоҳида партияларга бағишланган шахлари мароқ билан ўқилган, кейинчалик шарҳлар янада кенгайтирилиб китобларига кўчган. Э.Воҳидов, А.Мелибоев, Ш.Отабоевнинг шарҳлари, “Шахмат мўъжизаси” китобидаги мақолалари мухлисларда катта қизиқиш уйғотгани маълум. “Футбол экспресс”, “Интер футбол”, “Ўзбекистон футболлари”, “Спорт” ва бошқа газеталарнинг милли онлар ўйинини мазмундор, мароқли шарҳлайдиган журналистлари бор. Матбуот шарҳлари асосан газеталарда, айрим ҳолларда журналларда берилиши. Республикамизда халқаро футбол, теннис, бокс, кураш, дзюдо мусобақалари кўпроқ, бошқа турлари камроқ шарҳланаётгани, профессионал шарҳловчилар етишмаётганлиги, кам тайёрланаётгани. А.Имомхўжаев, С.Остонов ва бошқа ижодкорларнинг спортга оид китоблари қизиқиб ўқиладигани.

Радиода спорт шарҳи

Оммавий ахборот воситалари ичида радио тезкорлиги, оммабоплиги, қулайлиги ва арзонлиги билан ажралиб туриши. Радионинг ўтган асрнинг

эллигинчи, олтмишинчи йилларида радиода спорт шарҳининг муҳим ўрин тутганлиги (В.Синявский, Н.Озеров, К.Махарадзе, А.Имомхўжаев шарҳлари). “Маяк”, “Машъал” каналлари, нодавлат радиоларида спорт шарҳлари муҳим ўрин тутганлиги, журналист “Маяк”, “Машъал” каналлари, нодавлат радиоларида спорт шарҳлари муҳим ўрин тутганлиги, журналист Н.Ниёзовнинг дадил, тўғри, тўқмоқли шарҳлари. Радиоэшиттириш, жумладан, радишарҳнинг қулайлиги, фақат эшитишга мўлжалланганлиги. Кейинги пайтларда тингловчиларнинг интерфаол бўлаётганлиги – жойлардан туриб телефонда мулоқотга киришаётганлиги, спортимиз аҳволи, муаммолари ҳақида тўғри, дадил фикрлар билдиришаётганлиги. Айни чоғда радиожурналистикамизда бир қадар сусткашлик сезилаётганлиги, профессионал шарҳловчилар етиштиришни кўпайтириш замон талаби эканлиги.

Телевидениеда халқаро спорт шарҳи

Телевидение ва спорт жамият, инсонлар ҳаётига кенг ва шитоб билан кириб бораётгани боис телекўрсатув, репортаж, шарҳнинг тобора кўп ва муҳим ўрин эгаллаётгани. Экран томошабинга ҳам кўриш, ҳам эшитиш, ҳам фикр-мулоҳаза қилиш имкониятини бериши – унинг катта афзаллиги эканлиги. 2014 йил Бразилияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида футболни миллионлаб одамлар завқ-шавқ билан кўргани, ўзбек ҳаками Р.Эрматовнинг 5 ўйинни маҳорат билан, холисона бошқариб мухлислар ҳурмат-эътиборини қозонгани ва бошқа фактларни эслаш жоизлиги. Жаҳоон миқёсида ўз ишини пухта биладиган бийрон телешарҳловчилар анчагина (хорижий шарҳловчилардан Н.Озеров, В.Маслаченко, К.Махарадзе, уларнинг издошлари Уткин, Шмурнов; ўзбекистонлик А.Имомхўжаев, Д.Файзиев, М.Тўхтамирзаев, марҳум Д.Турдиалиев, унинг ёш, иқтидорли шогирдларининг мароқли шарҳлари). Юртимизда футбол, бокс, теннис шарҳлари анча яхши йўлга қўйилган, бу ишда шу соҳа мутахассислари, вақтида ўйнаган, ҳозир ҳам ўйнаётган профессионал хизматидан ҳам фойдаланилаётгани яхши самара бераётгани. Телешарҳларда репортаж, интервью жанрларидан ҳам кўшиб фойдаланилаётгани. “Футбол шарҳи”нинг қизиқиб кўрилаётгани (муаллиф З.Имомхўжаев), шу билан бирга кўрсатувларда бир хиллик кўзга ташланаётгани, тўрт-беш одамнигина шарҳлашга таклиф қилинаётгани бир қадар зерикарлик пайдо қилаётгани. “Евроњьюс” кўрсатувлари анча яхши, пухта тайёрланаётгани. Бошқа бир қанса спорт шарҳларига профессионал кишилар кераклиги сезилиб қолаётгани. Айрим шарҳловчиларнинг луғат бойлиги камбағаллиги, сўз, жумлаларни ўринли қўллай билмасликлари, кураш жараёни бир четда қолиб

чалғиб кетишлари телешарҳлардаги муҳим камчилик эканлиги. Радио,- телешарҳловчиларни тайёрлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаётгани.

Интернетда халқаро спорт шарҳи

Интернет халқаро спорт шарҳи имкониятларини бениҳоя кенгайтириб юборганлиги. Унинг спортга оид кўплаб, ранг-баранг маълумот, далилларга бойлиги, улардан шарҳловчилар самарали фойдаланишаётгани (айниқса, футбол, футболчилар, уларнинг қайси командада ўйнаётганлиги, қайси командага кўчмоқчилиги, қанча пулга сотилмоқчи ёки ижарага берилмоқчи эканлиги, Голливуд юлдузлари ҳаётидаги икир-чикирлар ва ҳ.к.). Интернет тили, услубидаги ўзига хосликлар, ютуқ ва нуқсонлар. Шарҳларнинг шоулар билан қушиб бораётганлиги, томошабинлар интерфаоллик кўрсатишаётгани кейинги янги тамойиллардан эканлиги.

Шарҳда журналист-спортчи мулоқоти

Шарҳда бошловчи журналист ва спортчи мулоқоти муҳим рол ўйнаши, эшиттириш, кўрсатувларда, матбуот материалларида мулоқотларга кўп ўрин берилаётганлиги, бариси ҳам бир хил савияда эмаслиги. Кўпгина шарҳлар интервью, суҳбат, репортаж жанрлари билан вобаста эканлиги. Мулоқотда журналистга кўп нарса боғлиқ эканлиги, негаки у айна чоғда бир неча вазифани бажариши – сценарийга муаллифлик, муҳаррирлик, бошловчилик қилиши, монтажни ҳам ўз зиммасига олиши унга катта масъулият юклаши. Журналист ҳар бир мулоқотга жиддий тайёргарлик кўриши – спортчи фаолиятини, шахсиятини яхши ўрганиши, кўп манбаларни қараши, олдиндан пухта саволлар ўйлаб, тузиб қўйиши, қутилмаган саволлар ҳам ҳозирлаши, мулоқот – қўш ҳамкорлик, қўш маҳорат эканлигини унутмаслиги, “интервью олдинг, ўзинг нима бердинг?” деган саволнинг беҳуда эмаслигини унутмаслиги лозимлиги. Мулоқот чоғи журналист этикаси-одоби қоидаларига риоя қилиши, ўзи кўп гапирмасдан суҳбатдошини кўпроқ гапиртириши, ичидан муҳим маълумотларни “суғуриб” олиши, ҳадеб сўзини бўла бермаслиги, ғашига тегмаслиги лозимлиги. Давра столларида, айнақса, бир неча киши иштирокидаги суҳбатда ҳар бир иштирокчиғахатто бир оғиз бўлса ҳам сўз бериши лозимлиги, шеър, мусиқа, фото, кинолавҳа, кўргазмали воситалардан фойдаланиб кўрсатувни мароқли чиқишига интилиши. Кўрсатувнинг таъсирли, қизиқарли чиққанлиги, кўплаб хатлар олиниши, фикрлар билдирилиши – қайта намоёниш этилиши, ради шарҳ қайта эшиттирилиши мисоллари.

Спорт шарҳида ўйинчилар, ҳакамлар, ишқибозларга нисбатан муносабат масалалари

Спорт шарҳловчиси ўйин, мусобақа давомида ўйинчилар, ҳакамлар, ишқибозларга муносабат билдириш шартлиги, бусиз мумкин эмаслиги. Бунда меъёр, одоб қоидаларига риоя этилиши лозимлиги. Шарҳловчи шарҳидаги ҳолислик тамойиллари. Жаҳон спорт шарҳида шарҳловчининг ахлоқ меъёрларига таяниши масалалари. Ўйиндан кейин маълум муддат ўтгач газеталарда пайдо бўладиган шарҳлар кўпинча мулоҳазакорлиги, ҳолислиги, мантиқан асосланганлиги билан ажралиб туриши. Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз эканлигини шарҳловчи бир зум ҳам унутмаслиги шартлиги.

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

1. Фаннинг мақсади ва вазифалари. Унинг спортга ихтисослашган журналистларни тарбиялашдаги роли.
2. Жаҳон спорт нашрларида шарҳ
ислохотларининг таъсири орқали юзага келувчи янги типологик тасниф.
3. Спорт шарҳловчиси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари
4. Спорт федерациялари ва уларнинг веб сайтлари.
5. Спорт журналистикасида шарҳнинг ўрни
6. Спорт журналистикаси тамойиллари ва спорт йўналишидаги босма ОАВда фаолият юритаётган спорт шарҳловчиларига қўйиладиган талаблар
7. Спорт шарҳловчиларининг фуқаролик масъулияти ва журналист этикаси
8. Спорт шарҳловчисининг имиджи
9. Хорижий радиоканалларда спорт шарҳи
10. Хорижий телеканалларда спорт шарҳининг ўзига хосликлари
11. Интернетдаги спорт йўналишидаги онлайн нашрларда спорт шарҳи

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмини ўзлаштириш;
- матбуот материаллари билан ишлаш, уларни таҳлил қилиш, шарҳлаш;
- фан доирасида ўз ижодий чиқишларини таъминлаш;
- матбуот органлари типологиясини ўрганиш, таҳлил қилиш,
- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- янги техника ва технологияларни ўрганиш;
- талабанинг ўқув – илмий – тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланадиган машғулотларга тайёрланиш.

Тавсия этиладиган мустақил ишларнинг мавзулари

1. Жаҳон спорт шарҳи самарадорлигини таъминловчи омиллар
2. жаҳон спорт шарҳда расмий ва норасмий манбалар билан ишлаш
3. Турли типдаги нашрларда чоп этиладиган жаҳон спорт шарҳининг композицион қурилиши
4. Ўзбекистондаги етакчи ОАВдаги халқаро спорт шарҳлари таҳлили
5. Интернет сайтлардаги спорт шарҳлар таҳлили
6. Россия матбуотидаги халқаро спорт шарҳлари
7. Хориж матбуотидаги халқаро спорт шарҳлари таҳлили
8. Телевиденида халқаро спорт шарҳи таҳлили
9. Радиода жаҳон спорти шарҳлари талқини
10. Спорт шарҳини тайёрлаш методикаси, муаллиф фикри ва жамоат билан мулоқот олиб бориш услуби
11. Спорт журналистикаси тамойиллари ва спорт шарҳловчиларига қўйиладиган талаблар
12. Спорт шарҳловчисининг имиджи.

Дастурнинг инфор­мацион–услубий таъминоти

Мазкур дастурнинг ўзлаштирилиши замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнида тўғри ва самарали татбиқ қила олиш билан белгиланади. Ушбу мақсадда дарсларда “аклий ҳужум”, “елпиғич”, “дебатлар”, “инсценировка”, “жумбоқ”, “матбуот конференцияси”, “брифинг” каби интерактив-инновацион технологиялар ҳамда ахборот олишнинг турли йўллари (расмий ва норасмий) жамоа бўлиб ишлаш, таҳлил, тадқиқот, анализ ва синтерз, индукция ва дедукция, манбаларни қиёслаш, мантиқий мулоҳаза каби методлардан фойдаланилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Алексеев К.А., Ильченко С.Н. Спортивная журналистика. Учебник для магистров. М., “Юрайт”, 2014
2. Михайлов С.А., Мостов А.Г. Спортивная журналистика. Уч.пособие СПб, 2005
3. Имомхўжаев А. Мафтунингман, футбол. Т., “Шарқ НМАК”, 2004.

Қўшимча адабиётлар:

1. Пьер де Кубертен. Ода к спорту. Гимн сортсменов. История физической культуры и спорта. М., 1984.
2. Имомхўжаев А. Ўзбегимнинг Миржалоли. Т., Шарқ НМАК, 2011.
3. 2. Алексеев К. А. Особенности труда спортивных журналистов XIX - нач. XX вв. // Ростов-на-Дону, 2007
4. Геркан Л.В. Спорт. Вопросы физической культуры. СПб., 1995
5. Суник А.Б. Российский спорт и олимпийское движение на рубеже XIX-XX веков. - Изд. 2-е, испр. и доп. М.: «Советский спорт», 2004
6. 14. Войтик Е.А. Особенности освещения темы спорта в региональных печатных СМИ // М.: Факультет журналистики МГУ, 2004
7. Войтик Е.А. Конкуренция спортивных журналов: современные аспекты // М.: Факультет журналистики МГУ, 2005

Интернет сайтлари:

1. www.uzfootball.uz
2. www.championat.uz
3. www.uzrugby.uz
4. www.uff.uz
5. www.alfasport.uz

